

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Шартномаси.

Тошкент шаҳри

№ 6/1 сонли

2022 йил "20" "06"

“HUSNIYA MARKETING” МЧЖ (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи бир томондан ва С.Х.Сирожиддинов номли академик лицей (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

1. Қушимча шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган овқатлантириш хизматларни кўрсатиш, буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартномани амал қилиш вақти 2022 йил 20.06 дан 2022 йил 31.12 гача.

2. Хизмат ҳақи ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачи шартномавий баҳо тўғрисидаги баённомага мувофиқ қарорда кўрсатилган миқдордаги тўловни кўрсатилган муддатда тўлаб бериши.

2.2. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Ижрочининг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда Ижрочининг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.4. Буюртмачининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбурияти

3.1. Ижрочининг ҳуқуқлари:

- ижрочига туланиши керак бўлган маблағ ўз вақтида тўлаш.
- қарорда ва шартномада кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш

3.2. Ижрочининг мажбуриятлари:

- ижрочи қарорда кўрсатилган қойдаларга мунтазам риоя қилиши.
- овқатлантиришни талабларини ўз вақтида бажариш

3.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- буюртмачи ўқувчиларнинг сифатли овқатланишларини мунтазам назорат қилиб боришлиги назорат қилиш.

3.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- буюртмачи ота-оналар тулови ва давлат бюджетидан молиялаштирилладиган маблағларни ўз вақтида имтиёзли овқатлантиришга йўналтириши.
- қарорда ва шартномада кўрсатилган бошқа мажбуриятларни ҚҚС сиз бажариши.

4. Шартнома баҳоси ва тўлов тартиби

4.1. Шартноманинг умумий баҳоси қуйидагиларни ташкил қилади 334 936 800.00 (Уч юз уттиз тўрт миллион тўққиз юз уттиз олти минг саккиз юз) сум.

4.2. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт. Шартномада кўрсатилган маблағнинг 30 фоизини олдиндан туланади.

4.3. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

4.4. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани олган пайтдан бошлаб 10 кун ичида Ижрочига хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

4.5. Буюртмачининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома туздилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

д. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги. Низоларни ҳал қилиш

- 5.1. Ижрочи ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни Буюртмачига тўлиғича тўлаши шарт.
- 5.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.
- 5.3. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар тегишли тартибда кўриб чиқади

6. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тартиби

- 6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.
- 6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.
- 6.3. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.
- 6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 15 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

7. Шартноманинг бошқа шартлари

- 6.1. Шартнома 2022 йил "20" 06 дан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" 12 гача амал қилади.
- 6.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.
- 6.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

8. Тарафларнинг юридик манзили

“Ижрочи”

“Буюртмачи”

С.Х.Сирожиддинов академ лицейи


“HUSNIYA MARKETING” МЧЖ
Тошкент ш. Чилонзор тум. Наккошлик куча 1-уй.
х/р 2020 8000 9042 1206 0001
“Давр банк” Чилонзор фил.
МФО: 01046. ИНН: 204204092
ОКОНХ: 15273

«Табий ва аниқ фанлар»га ихтисослаштирилган С.Х.Сирожиддинов номли Республика А/П Тошкент ш. Чилонзор 9-мавзе, 33-уй. П/с: 100 010 860 262 947 092 500 079 003 П/с: 400810860262947092500079001 ХККМ Марказий банк бош бошқармаси Тошкент ш. МФО: 00 014 ИНН: 200 794 186 ҚЖЭД: 92120 Операционное управление Казначейство МФ РУз. Каз/с: 2340 2000 3001 0000 1010 в РКПЦ Глав. Упр. Центра Банка РУз МФО: 00 1034, ИНН: 201 122 919
--



Директор

Б.Э.Мухаммадиев



Директор
С.У. Шерозиев
Суннатов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"HUSNIYA MARKETING" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"HUSNIYA MARKETING" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

10.10.2002

08-000520

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

204204092

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, NAQQOSHLIK KO'CHASI, 1-UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



Табиий ва аниқ фанлар”га ихтисослаштирилган С.Х.Сирожиддинов номидаги Республика академик лицейнинг Давлат Хариди бўйича комиссиясининг йиғилиши
Баённомаси № 6/2

«20» 06 2022 йил

Тошкент шаҳри

Катнашдилар:

Комиссия раиси, директор
Комиссия аъзолари:
ДЎЎБИБ
ЎИБДЎ
Бош ҳисобчи
Юристонконсулт
Ҳамшира

Б.Шергазиев
Г.Юлдашева
М.Қодирова
Б.Усмонов
Ж.Суннатов
Г.Турдиқулова

Кун тартиби:

Академик лицей ўқувчиларини “Имтиёзли ва мавсумий овоклатлантиришни ташкил этиш” учун танловни ўтказиш ҳақида. 08.06.2022 йилда Энг яхши таклифга қўйилган № 22110012101037 сонли лот рақами билан баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонуннинг 7-боб, 62- моддаси ҳамда С.Х.Сирожиддинов номидаги Республика академик лицейнинг 20 июндаги баённомаси

Эшитилди

Давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш куни ичида танлаш иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

С.Х.Сирожиддинов номидаги Республика академик лицейнинг комиссия раиси Б.Шергазиевнинг баёни эшитилди, ДЎЎБИБ Г.Юлдашева, бош ҳисобчи Б.Усмонов, юристонконсулт Ж.Суннатов академик лицей ўқувчиларини “Имтиёзли ва мавсумий овоклатлантиришни ташкил этиш” учун Давлат Хариди бўйича электрон савдога 08.06.2022 йилда лот № 22110012101037 сон билан танловга қўйилган ва электрон тушган таклифлар билан таништирди. Шундан сўнг комиссия аъзолари томонидан таклифлар кўриб чиқилди. Танловда иштирок этган фирмаларнинг таклифлари қуйидагича бўлди.

№	Фирма номи	Тижорат таклифи суммаси
1	"NUR 020" МЧЖ	334 936 800,0
2	"HUSNIYA MARKETING" МЧЖ	334 936 800,0

Юқоридаги қайдномага асосан "HUSNIYA MARKETING" МЧЖ фирмаси танловда кўрсатилган техник маълумотларнинг афзаллиги маълум бўлди.

Комиссия қарори:

1. Комиссия аъзолари томонидан юқоридаги фирмаларнинг таклиф ва кўрсатмалари ўрганиб чиқилиб "HUSNIYA MARKETING" МЧЖ фирмасининг кўрсаткичлари асосли ва маъқул эканлиги таъкидлансин.

2. Академик лицейда ўқувчиларини “Имтиёзли ва мавсумий овоклатлантиришни ташкил этиш” "HUSNIYA MARKETING" МЧЖ фирмасига шартнома муддати тугагунга қадар ишлашига рухсат берилсин ва назоратни ўз зимамда қолдираман.

Комиссия раиси, директор

ДЎЎБИБ

ЎИБДЎ

Бош ҳисобчи

Юристонконсулт

Ҳамшира



 Б.Шергазиев

Г.Юлдашева

М.Қодирова

Б.Усмонов

Ж.Суннатов

Г.Турдиқулова

«20» 06 2022 йилдаги №6/1 сонли шартномага

Тошкент ш.

«20» 06 2022 й.

РАСЧЁТ

Махсулотлар номи	Улчов бирлиги	Порция сони	Порция нархи	Порция киймати	Жами хизмат курсатиш микдори (Без НДС)
Нонушта, Тушлик, Кечки овкат	Сум	101 496	3 300	334 936 800	334 936 800
Жами:		101 496	3 300	334 936 800	334 936 800

Сумма суз билан: (Уч юз уттиз турт миллион туккиз юз уттиз олти минг саккиз юз) сум.

Директор:



Б.Э.Мухаммадиев

